



Ishonch

2016-yil
19-may,
payshanba

№ 60
(3721)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 май куни Оқсаройда Болгария Республикаси Бош вазири Бойко Борисовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Болгария Бош вазирининг Ўзбекистонга илк ташрифи ўзаро муносабатларда муҳим воқеа бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги манфаатли ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда яхши имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Болгарияни анъанавий ва ишончли иқтисодий ҳамкор деб билади, ўзбек ва болгар халқлари узоқ йиллик дўстлик алоқаларига эга.

Учрашувда иқтисодий ҳамкорликнинг кенг қўламли масалалари — саноат, транспорт коммуникациялари, туризм, шунингдек, замонавий қўшма саноат корхоналарини ташкил қилишнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Томонлар Болгария Бош вазири ташрифи доирасида 18 май куни «Ангрен» маҳсус индустриал зонасида юқори технологияли янги «УзПристайл» қўшма корхонасининг очилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин мисоли бўлганини қайд этдилар. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва Болгариянинг «Приста Ойл» компанияси томонидан таъсис этилган мазкур корхона синтетик ва ярим синтетик мотор moyларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга ихтисослашган.

Б.Борисов янги корхонанинг экспорт салоҳияти юқори эканини, Ўзбекистонда ташкил этилган «Навой» ва «Ангрен» маҳсус иқтисодий ва индустриал зоналарда хорижий сармоядорларнинг муваффақиятли фаолияти учун қўлай шароит яратилгани, бу янги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар эканини таъкидлади. Бу Болгария компанияларига Марказий, Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатлари бозорларига чиқиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Болгарияда олиб борилаётган ва асосий йўналишлари иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, инвестицияларни кенгайтириш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўлган иқтисодий сиёсатни қўллаб-қувватлашни таъкидлади.


Болгария Бош вазири Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар стратегияси натижасида туб иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларга эришилганини юқори баҳолади. Бугунги ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар Ўзбекистоннинг янада тараққиёт этишида муҳим омили бўлаётганини қайд этди.

Томонлар ўзаро савдо алоқаларини янада кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Ўзбекистон Болгария бозорига кенг турдаги саноат маҳсулотлари экспорт қилиш ва ушбу мамлакатдан юқори технологияли товар ва ускуналар импорт қилишдан манфаатдор.

Учрашувда Ўзбекистон билан Болгария ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги истиқболли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун ишбилармон доиралар делегациялари алмашиш бўйича келишиб олинди.

Б.Борисов Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Болгария Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎЗА



Рақобатбардош маҳсулотлар кўрғазмаси

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Чарм, пойабзал, кийим ва аксессуарлар — 2016» Халқаро саноат кўрғазма-ярмаркаси ўз ишини бошлади

— Маълумки, «Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси маҳаллий тери хомашёсидан пойабзал, кийим-кечак, чарм-атторлик, спорт товарлари ва яна бир қатор маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, ҳукуматимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш борасидаги эътибор ва ғамхўрлиги туфайли ижобий натижаларга эришмоқда, — дейди «Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари Шарифжон Шералиев. — Хусусан, 2015 йилда 207 та ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилиб, жами 3100 тага яқин янги иш ўринлари яратилди. Шу йилнинг ўтган даврига назар солсак, уюшма корхоналари томонидан 300 дан орტიқ янги моделдаги пойабзал ва 70 та янги турдаги чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 22,4 млн. долларлик маҳсулот Италия, Корея, Туркия, Хитой, Покистон, Ҳиндистон, МДҲ ва бошқа қатор мамлакатларга экспорт қилинди.

Бешинчи марта ўтказилаётган ушбу кўрғазмада республикамизнинг 60 дан ва хорижий давлатларнинг 10 дан орტიқ ишлаб чиқариш

корхоналари ўзларининг 2000 дан орტიқ маҳсулот намуналари билан иштирок этмоқда. Хусусан, хусусий тадбиркорларимиз ва чет эл компанияларининг янги чармпойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари, уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва материаллари, дастгоҳ ва ускуналар, шунингдек, аксессуарлар намойиши ташкил этилган.

— Маҳсулотларимиз сифатли чармдан тайёрланади, — дейди «Malikai Sulton» оилавий корхона бошқарувчиси Малика Исмоилова. — Бугун 100 дан орტიқ ҳар хил турдаги аёллар ва эркеклар устки кийимлари билан иштирок этмоқдамиз. Маҳсулотларимиз мода саноатининг энг сўнгги кўринишлари ва бозор талабларини инобатга олган ҳолда Германияда ишлаб чиқарилган тикув машиналари ёрдамида яратилмоқда. Шунинг учун бўлса керак, кўриб турганингиздек, қизиқувчилар орасида Исроил, Беларусь, Ҳиндистон давлатлари вакиллари ҳам бор. Ишонимизки, компаниямиз бренди нафақат серкўёш Ўзбекистонимизда, балки бошқа давлатларда ҳам ўз харидорига эга бўлади.

— Бугунги кўрғазмада 70 га яқин

эркаклар оёқ кийимини ҳавола этмоқдаман, — дейди «Fayz Poyabzal Savdo» хусусий корхонаси раҳбари Файзулло Аюбонов. — Сифати ва дизайни жиҳатидан чет давлатларникидан асло фарқ қилмайдиган, рақобатга чидамли ва ўз навбатида нархи арзон маҳсулотларимизни иштирокчилар ижобий баҳолашмоқда. Чет эллик меҳмонлар ҳам ҳамкорлик борасида таклиф билдиришяпти.

Эътироф этиш керакки, кўрғазмада иштирокчиларнинг сони ва географияси йил сайин ортиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Бу эса тажриба алмашиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қўлай имконият яратди. Қўллаб янги экспорт шартномалари ва инвестициявий битимлар имзоланади.

Шунингдек, уч кун давомида «Энг яхши стэнд», «Энг яхши пойабзал маҳсулоти», «Энг яхши чарм атторлик маҳсулотлари» дизайни номинациялари бўйича голиблар аниқланади.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» муҳбири.
Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

Конференция

ОАВда тил ва услуб масалалари

ЎЗМУ Маданият саройида университет журналистика факултети «Услубият, таҳрир ва интернет журналистика» кафедраси томонидан «Оммавий ахборот воситаларида тил, услуб ва таҳрир масалалари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилди.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилганининг 98 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда профессор-ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда талабалар иштирок этишди.

Конференцияда қайд этилганидек, адабий тил меъриларига тўлиқ амал қилган ҳолда омма билан мулоқотга киришувчи газета тили, радио ва телевизия, шубҳасиз, ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бунда газета тили ва услуби асосий ўринни эгаллайди. Шунга қўра, матбуотда фаолият олиб борувчи журналистлар, хусусан, муҳаррирлар матнда лексик, фразеологик, морфологик, синтактик воситалардан фойдаланиш борасида алоҳида малака ва кўникмага эга бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари, ҳар бир матнинг лисоний услубий ва жанр хусусиятларини эътиборга олиш муаллиф ва муҳаррирнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жумладан, филология фанлари номзодлари Зоир Тоҳиров, Латофат Тошмухамедованин ОАВда тил, услуб ва мантқ ҳамда журналистнинг коммуникатив компетенцияга оид маърузалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, факултет магистрантлари Жамила Асқарова, Гулрухсор Худойбердиева ва Назокат Камоловаларнинг ОАВда реклама матнлари таҳлили, электрон ва анъанавий босма ОАВ услубидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳамда сарлавҳалар таҳлили борасидаги чиқишлари кўпчилик эътиборини тортиди.

Қизгин савол-жавоблар асосида ўтган конференция бўлажак журналистларнинг билим ва таҳрирасини ошириш, журналистлик меҳнат самардорлигига хизмат қилиши билан эътиборга лойиқ.

Ўз муҳбиримиз

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Журналистлар билан юзма-юз мулоқот

Юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий ислохотлар халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларини янги босқичга кўтарди. Ушбу йўналишдаги лойиҳаларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, замонавий тиббий хизматдан аҳолининг баҳрамандлигини ошириш, оилаларда тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзини юксалтириш масалаларини мунтазам тизимли ва кенг ёритишда оммавий ахборот воситалари фаолияти муҳим ўрин тутди.

Пойтахтимизда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг роли ва ўрни мавзусида ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар кенг таҳлил қилинди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, давлат хоки-

мияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, марказий ва ҳудудий ОАВ журналистлари иштирок этди.

Унда сўз олганлар «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар аҳоли саломатлигини асраш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Айтиш жоизки, оммавий ахборот воситалари томонидан бу жараёнлар ўз вақтида, тизимли ва сифатли ёритилаётган бўлса-да, кузатишлар натижаси журналистларнинг бу борадаги касб малакаси ва маҳоратини

ошириш, матбуотда таҳлилий мақолаларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлашди.

— Давлат дастури доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган маърузалар билимимизни янада бойитишга хизмат қилди, — дейди «Turkiston» газетаси бўлим муҳаррири Нарғиза Умарова. — Шунингдек, мазкур йўналишдаги икждий ҳамкорлик юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари ҳамда жамоат ташкилотларининг ахборот хизмати раҳбарлари билан ўзаро, юзма-юз фикр алмашишга муваффақ бўлди ва саволларимизга батафсил жавоб олди.

Анжуман доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ўртасида ўтказилган «Йилнинг энг фаол ахборот хизмати» республика танлови голиблари эълон қилиниб, уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» муҳбири



Муҳими,
аззолар мамнун

>> 2



Бухоро
қорақўлчилари

>> 3



Соғлом оила —
жамият таянчи

>> 4

БУГУННИНГ НАФАСИ

Касаба уюшма ҳаёти

Мамлакатимизнинг қай ҳудудига борманг, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Қад ростлаётган бир-бирдан кўркам ва мухташам иншоотлар қалбингизга фахр-ифтихор туйғуларини жо қилади. Бундай ўзгаришларда, албатта, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ҳиссаси катта. «Қизилқумцемент»-акциядорлик жамияти ана шулардан биридир.

Эътироф этиш лозимки, корхона истиқлол йилларида янада ривожланди. Замонавий технологиялар жалб қилиниб, янги бўлимлар фаолияти йўлга қўйилди, маҳсулот сифати бир неча марта баҳо ошди. Ҳозир бу ерда цемент, оҳак, шифер, йўлак плиталари, темир-бетон маҳсулотлари, гишт ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Корхона томонидан сўнгги уч йилда жами 2417,2 миллиард сўмлик қурилиш маҳсулотлари тайёрланиб, уларнинг маълум қисми қўшни давлатларга экспорт қилинди.

Албатта, корхона касаба уюшма кўмитаси томонидан ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ютуқлар омили бўлаётди.

— Корхонамизда 3516 нафар ходим меҳнат қилиб келмоқда, — дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Нуриддин Жуманиёзов. — Уларга талаб даражасида меҳнат шaroитларини яратиб бериш, ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоя қилиш биринчи галдаги вазифаларимиздан. Бу

рами муносабати билан Нафой шахридаги «Фарход ва Ширин» маданият саройида болажонлар учун уюштирилган байрам томошаларига ходимлар фарзандларига бепул чипталар олиб берилди. Ватан ҳимоячилари кунига бағишлов корхонада ўтказилган тадбирда эса 33 на-



Бандлик

Ёшлар учун имтиёз ва кафолатлар

Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Ангрен кимё sanoati касб-хунар коллежида «Ёшларни ишга қабул қилиш ва уларга белгиланган имтиёз ва кафолатлар ҳамда хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш» мавзuida семинар ташкил этилди.

Коллеж ўқитувчи ва битирувчи ўқувчилари иштирок этган семинарда жамоа шартномасининг мазмун-моҳияти, ёшлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат шaroитини янада яхшилаш, санитар-гигиена талабларига жавоб берувчи иш ўринларини яратиш, меҳнат муҳофазаси бўйича маълумотлар берилди.

Ёшлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, бандлик кафолатлари ва имтиёзлари, ёшлар меҳнатини ҳимоялаш мақсадида жойларда тузилган жамоа шартномаларидаги халқаро ва миллий меҳнат стандартларининг жорий этилишида олий ва ўрта махсус таълим вакилларининг ўрни ва улар олдидаги долзарб вазифаларга асосий эътибор қаратилди.

Тадбир сўнггида қатнашчиларга тармоқ касаба уюшмаси фаолиятини ёритувчи маълумотлар акс этган буклет ва услубий қўлланмалар тарқатилди.

Баҳром ҚУВВАТОВ,
Кимё ва фармацевтика sanoati ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси

Мужими, аъзолар мамнун

борада иш берувчи ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси ўртасида келишилган жамоа шартномасида белгиланган талабларни тўлиқ бажариш мужим аҳамият касб этади. Жумладан, Янги йил бай-

фар байналмилалчи жангчи-маънавий ёрдам кўрсатилди. Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан «Аёлни қадрлаш — миллияни қадрлаш» шiori остида ташкил қилинган байрам ҳар жиҳатдан эсда қоларли бўлди. Ишлаб чиқаришда боқувчисини йўқотган 22 та оилага ҳамда нафақадаги 143 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди. Наврўз умумхалқ байрами ҳам катта шодиёна билан кутиб олинди. Касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан байрам сайли ташкил қилиниб, турли мусобақалар, танловлар ўтказилди. 25 нафар эҳтиёжманд ходимлар фарзандларининг суннат тўйи ўтказиб берилди. 65 нафар уруш ва меҳнат фахрийси, нафақадаги кексалар, ногиронлар ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга озиқ-овқат жамланмалари тортиқ

этилди. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан корхонанинг соғломлаштириш марказида нафақадаги 250 нафар кекса учун байрам дастури ташкил қилинди. Корхона касаба уюшма кўмитаси томонидан 417 нафар нафақадаги кекса, ногиронлар ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олинди.

Жорий йилда корхона тасарруфидаги «Шабода» оромгоҳида ходимларнинг 1059 нафар фарзандининг мазмуни дам олишини ташкил этиш режалаштирилган. — Аъзолар соғлиги энг мужим масалалар сирасига киради. Корхонамизга тегишли муассасада ўтган йили 1072 нафар ходим саломатлигини тиклади. Шунингдек, касабақўм ташаббуси билан 2000 га яқин ходим тарихий қадамжоларда саёхатда бўлди. Бу борада-

ги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда, — дейди электрогазпайвандловчи, цех касаба уюшма кўмитаси раиси Аббор Аҳмедов.

Корхонада ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида кўплаб спорт тадбирлари уюштириб келинмоқда. Касаба уюшма кўмитаси соврини учун ҳар йили хаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-тур» веломарафони, бўлим ва бўлимчалар ўртасида мини-футбол, энгил атлетика, волейбол ўйинлари, шунингдек, республика миқёсидаги «Соғлом оила» мусобақаси юқори савияда ташкил қилинади.

Табиийки, рағбат топган инсонларнинг меҳнат унумдорлиги ҳам шунга яраша бўлади.

Руслан САБУРОВ,
«Ishonch» мужбири



Ижтимоий шериклик

Ечими топилмайдиган масаланинг ўзи йўқ. Тўғри ёндашув, мақсадли ҳаракат, айна пайтда, озгина куйинчаклик бўлса кифоя. Ўтган йилда ижтимоий шериклигимиз билан ходимлар дам олишини сифатли ташкил этишга келишиб олган эдик. Маъмурият ҳам бу масалага жиддий ёндашди. Натижа кутилганидан ҳам юқори бўлди. Сарҳисоб чоғи олдинги йилларга қараганда турли сиҳаттоҳларда саломатлигини мустаҳкамлаган ходимларимиз сони қарийб 40 нафарга ортганлиги маълум бўлди.

Ҳамжиҳатлик

Яратилган муносиб иш шaroити меҳнат самарадорлигига хизмат қилиш баробарида уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш имконини ҳам беради. Бундан ташқари, жамоа шартномасида кўзда тутилган тадбирлар ижросини таъминлашга етарлича маблағ ажратилаётгани ҳам айна мудири бўлаётди. 59 нафар фахрий, 37 нафар байналмилалчи жангчилар доимий эътиборда. Тизимда меҳнат қилаётган 370 нафар аёлга унумли ишлаши учун шaroит яратиб берилган.

Жамоа шартномасига меҳнатни муҳофазаси қилиш ва хавфсизлик техникаси меъёрларига оид 10 та тадбир киритилиб, улар ижроси учун 142 миллион 758 минг сўм маблағ сарфланди. Ходимларимиз ишчи коржомалари, махсус кийим бош, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Барча ишловчилар корхона томонидан сўғурталangan. ТЭТК, цех ва бўлимчаларида меҳнатни муҳофазаси қилиш вакиллари бурчаги ташкил қилинган. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик назорати доимий комиссия йиғилишларида муҳокама этилиб, соҳа мутахассислари томонидан ўқувлар ўтказиб келинмоқда.

Соҳани иқтидорли ёшлар билан тўлдириб бориш мужим масала бўлиб, вилоятдаги 18 та касб-хунар коллежи билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ўтган йилда 113 нафар ўқувчи тизим корхоналарида ишлаб чиқариш амалиётини ўташди. 44 нафар битирувчининг ўз сафимизга ишга қабул қилдик.

Тизим корхоналарида «Ходимлар гимнастикаси» амалиётга киритилган. Бундан ташқари, туман ва шаҳар электр корхоналари ўртасида тез-тез мусобақалар ташкил этиб турилади. Ҳар чоракда спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси ҳамда мини-футбол мусобақалари ўтказилапти. Бухоро, Хива, Урганч шаҳарларини зиёрат қилиш имкони яратиб берилгани ҳам ходимларимизга кўтаринки кайфият бахш этди.

Буларнинг бари маъмурият ижтимоий шерик сифатида ҳар бир ташаббусимизни қўллаб-қувватлаётганлиги туфайлидир.

Наби НАЗАРОВ,
«Самарқанд худудий электр тармоқлари» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси

Бошланғич ташкилотларда

Ходимлар манфаати эътиборда

Тошболта Авазов «Муборак иссиқлик электр маркази» акциядорлик жамияти касаба уюшма кўмитасига раис этиб сайланганига кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа фурсат ичида кўп сонли жамоада ходимлар манфаатини янада теранроқ ифода этиш, уларнинг касаба уюшмасига бўлган ишончини юксалтириш учун қатор ишларни амалга оширди.

Наврўз умумхалқ байрами тадбирлари кўтаринки кайфиятда нишонланди. Ободонлаштириш ишларига эътибор ортиб, сумалак сайли, байрам дастурхони ташкил қилинди. Ҳар галгидек, бу йил ҳам юбилей ёшига етган фахрийларга эсдалик совғалари топширилиб, эҳтиром кўрсатилди. Корхонада бўлганимизда кўпдан-кўп хайрли ишлар амалга оширилганини эшитдик. Жумладан, Хотира ва қадр-

лаш куни арафасида корхонада ишлаб кетган фахрийлар иштирокида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди. 24 нафар собиқ ишчига фахрий ёрлик топширилди.

Корхонада Чернобил АЭС фалокати оқибатларини бартараф этиш иштирокчиси ва беш нафар байналмилал жангчи меҳнат қилади. Уларга энг кам иш ҳақи миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилди. Икки нафар бай-

налмилал жангчи «Ўзбекэнерго» АЖга қарашли тиббий тозалик қисмида даволаниб келди, уч нафари санаторий-профилакторийда саломатлигини тиклади.

— Соғлом она ва бола йилида корхонада ишлайдиган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг спорт билан шугулланишига шaroит яратиш кўзда тутилган бўлиб, шу мақсадда спорт зали очмоқчимиз, — дейди Тошболта Авазов. — Бундан ташқари, Уғиллой Чўлиева раҳбарлигида таъқвондо тўғараги ҳам иш бошлаш арафасида. Хотин қизлар билан ишлаш комиссияси ишини кенгайтиришга ҳам ало-

ҳида эътибор қаратилган. Икки ёшга-ча фарзанди бор аёлларимиз жамоа шартномасига асосан, ҳафтада кўшимча бир кун дам олади.

Ходимларга янада қулайликлар яратиш учун стоматология бўлими хизмати, сартароҳона ва «Бир зумда» ошхонаси ишга тушиш арафасида. Бу нафақат энгиллик беради, балки янги иш ўринлари яратилиши билан ҳам мужимдир...

Касабақўм етакчиси меҳнат муҳофазаси тадбирларига ҳам жиддий ёндашади. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Меҳнатни муҳофазаси қилиш бўлими мудири Анвар Хўжақўлов билан биргаликда семинарлар ташкил этиб, ходимларнинг хавфсизлик техникаси бўйича билим ва кўникмаларини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мужбири

Танлов

Меҳнат ҳуқуқи билимдони

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан ўрта махсус

касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Меҳнат ҳуқуқи билимдони» танловининг иккинчи босқичи ўтказилди. Яқини натижага кўра, 1-

ўрин Наманган юридик коллежи ўқувчиси Севара Жамалова, 2-ўрин Янгиқўрғон туман энгил sanoat касб-хунар коллежи ўқувчиси Ҳожиакбар Абдуқаҳҳаров, 3-

ўрин эса Чуст академик лицейи ўқувчиси Юлдузхон Қўқоровага насиб этди.

Ҳодимлар бирлашма кенгашининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

М. ЗАРИПОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи юристконсулти

Касаба уюшма сиҳаттоҳларида


Элимиз ўзининг узоқ ва яқин ўтмишида саодатли кунлар билан бирга, не-не синову машаққатларни бошдан кечирмаган. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши оғир асоратлар қолдирди. Кексалар ўша машум кунларни хотирласа, албатта, бугунги осуда ва фаровон ҳаётимизга, кўрсатилаётган юксак эҳтиром ҳамда ғамхўрликка шукрона айтади. Тинчликнинг буюк незмат эканлиги, бугунги саодатли кунларнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш кераклигини таъкидлашди.

Саодат калити

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги «1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони кексаларни ижтимоий ҳимоялаш кўламини янада кенгайтирди. Хусусан, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари йилига бир марта ба санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга

бўлди. Кексаларни эъзозлаш йилида турли вилоятлардан келган уруш ва меҳнат фахрийлари Қибрай туманидаги «Бўстон» санаторийсида мириқиб дам олиб, соғлиқларини тиклашган эди. Бу йил ҳам ушбу анъана давом этмоқда.

— Иккинчи жаҳон уруши йилларида бир бурдан ном топиш машаққат эди. Тирикчилик азоби, уруш балоси одамларни бутунлай ҳолдан тойдирганди. Мактабни туга-



тиб, ўқини давом эттиришни жуда хоҳлаганман. Лекин кун кўриш учун ишлашга тўғри келиб, ўқини шaroит бўлмади, — дейди Ҳайдарали ота Аҳмадалиев. — Йиллар ўтиб орузийм амалга ошди. Тошкент педагогика олийгоҳида таҳсил олиб, 25 йил болаларга таълим-тарбия бердим. Мустақиллик шарофати билан мана шундай санаторийларда дам олиб, дориламон кунлар шукронаси билан яшаймиш.

Ёши улуг инсонларнинг ҳар сўзида ҳикмат, ҳар каломиди ибрат бор. Улар эл-юрт эътиборида камол топаётган замонамиз ёшларига панду насиҳатлари билан суяна бўлади. Қилган дуолари эса йўлларимизни чарогон қилади. Зеро, дуо — саодат калитидир.

Ш.КАРИМОВА,
«Бўстон санаторийси» МЧЖ маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи



ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Биз билган ва билмаган дунё



— Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қаршли Геология давлат музейи учун дастлабки экспонатлар 1926 йили жамланган. Ҳозирда ундан ортқ зал ташриф буюрувчиларга хизмат қилиб келяпти. Жами экспонатлар 50 мингдан ортади. Залларимиздан геологиянинг ҳар бир йўналиши бўйича маълумот олишингиз мумкин, — дея суҳбатимизни бошлаб берди Аҳмаджон ака. — Келинг, динозаврлар ҳақида сўз юритишдан олдин, геология фани, унинг жамиятда тутган ўрнига бироз тўхталсам. Геология — «гео» — ер, «логос» — фан, яъни ерни ўрганувчи фан демакдир. Маълумки, биз Куёш тизимидаги Ер сайёрасида яшаймиз. Музейимиздан жой олган дастлабки витрина ҳамда жадвалларда Она еримиз, унинг хусусиятлари, бошқа сайёралардан фарқи ва бошқа маълумотлар акс этган. Бир сўз билан айтганда, Ер вужудга келганидан то инсоният пайдо бўлгунча қадар бўлган улкан даврни геология фани ўрганган.

— Бизни кўпроқ бу фанининг инсониятга дахлдор бўлимлари қизиқтиради...

— Маълумки, археология — инсониятнинг пайдо бўлганидан то бугунгача бўлган барча даврни ўрганган. Палеонтология эса геологиянинг тошга айланган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан шуғулланади. Палеонтология — юнонча сўздан келиб чиққан бўлиб, бу терминни фанга биринчи бўлиб француз олими Дюкрот де Бленвиль 1825 йилда киритган. Ушбу йўналиш тошқотган жонзот қолдиқлари, излари, умуман, улар яшган даврни ўрганган.

Динозавр атамаси илк марта фанга англиялик олим Ричард Оуэн томонидан қўлланган. У 1842 йили тош қотган ҳайвон қолдиғини ўрганиш вақтида унинг фанга номаълум эканини аниқлади. Бу турдаги динозаврлар бундан 120-140 млн. йил олдин Европа, Осиё, Шимолий Америка ва Африка қитъаларида яшаган бўлиб, олим бу топилма қолдиқни ном беришда жуда қийналган. Сабаби, топилмада бир неча жонзотлар тўплами мавжуд эди. Аслида, у қуштолди динозаврлар туркумига кирувчи игуанодон қолдиғи бўлиб, шу тарихи фанга динозавр атамаси киритилди. Динозавр сўзининг инглиз тилидан сўзма-сўз таржимаси — беўхшов, хунук жонзот ёки қўрқинчи баҳайбат калтакесак деган маънони англатади.

— Динозаврлар асосан қайси даврга мансуб?

— Улкан жонзотлар яшаган Мезозой эраси (ўрта ҳаёт) 150 млн. йил давом этган ҳамда триас, юра ва бўр даврларига бўлинган. Сўнгги — бўр даврга келиб, динозаврлар сув, қуруқлик ва ҳавода ҳукмдорликни қўлга ола бошлашган. Динозаврлар ўз тузилишига кўра иккига: калтакесак-тосли ва қуштолдиларга бўлинади. Палеонтолог олимлар олиб борган тадқиқотларга кўра, калтакесактосли динозаврлар бундан 210 млн. йил олдин триас даврининг ўрталарида пайдо бўлган. Қуштолди динозаврлар (орнитопод, цератопс, анкилозавр, стегозавр, игуанодон, перодактилия) эса

Болагимда динозаврлар ҳақидаги машҳур «Яшил водий» мулфилмини севиб томоша қилардим. Содда ва раҳмдил Узундум, шошқалок ва уришқок Сера, баҳайбат ҳамда ваҳший Тирекс, афсонавий водий, тош қотган динозавр қояси кўз олдимда намоён бўлаверарди. Улгайган бўлсам-да, динозаврлар ҳақидаги ҳар қандай маълумот ҳамон эътиборимни тортади.

Яқинда интернет сайтларидан бирида «Тайный узбек» номли мақолага кўзим тушди. Унда баён этилган тафсилотларга аниқлик киритиш мақсадида Геология давлат музейига йўл олдим. Музей директори Аҳмаджон Аҳмаджонов билан суҳбатимиз айнан динозаврлар яшаган Мезозой эраси мўъжизалари ҳақида бўлди.

Динозавр изидан...

калтакесактослилардан сўнг, юра даврида (бундан 170-190 млн. йил илгари) пайдо бўлган.

— Динозаврларнинг қайси турлари бизнинг ўлкамизда яшаган, умуман, худудимиздан топилган илк динозавр қолдиқлари ҳақида қандай маълумотлар мавжуд?

— Юртимизда динозаврларнинг илк топилмалари 1882 йилга тўғри келади.

Г.Романовский Ҳисор тоғидаги Янғоб дарёси бўйида Урта Юра даврида пайдо бўлган тошқумир қони атрофидаги қумтош қатламларида динозаврнинг бир қанча излариغا дуч келган. Бу излар учпанжали йирткич динозаврники бўлиб, ўз даврининг нодир топилмаларидан бири ҳисобланади. 1956 йили А.Рябинин ва И.Ефремовлар Орол денгизи бўйларида илмий изланишлар олиб боришгаётганда қўл ҳамда чўл атрофидан динозавр суяк қолдиқлари топилиган. А.Рябинин ўрдаксимон динозаврнинг бош суягини Амударёнинг эски номи шарафига Яксартозавр дея атади. Орадан бир йил ўтган, Е.Белая, А.Рожественский ва Б.Трофимовлар томонидан яна Орол денгизи бўйларидан ўрдакбурунли динозавр (унга Орлозавр деб ном беришган)нинг бош суяги, ўша даврга яшаган тошбақа, тимсох, балиқ қолдиқлари топилиган эди.

— Сўзларингиздан маълум бўлаптики, демак, олис ўтмишда юртимиз худудиди тимсохлар ҳам яшаган экан-да?

— Нафақат тимсохлар, балки бошқа жонзотлар ҳам бўлган. 1958 йили А.Рожественский Марказий Қизилқумнинг Итемир минтақасида бўр давридаги Юкери Турон (бундан 110 млн. йил олдин) қум, қумтош ва шағалтошлар орасидан бир қанча суяк қолдиқларини топади. Аниқланишича, улар ўрдакбурунли динозавр, карнозавр, анкилозавр, шохли цератопсларга тегишли суяклар экан. Бундан ҳам оламшумул топилгани 1961 йили олим Г.Беленький ва Тошкент давлат университетини (ҳозирги УЗМУ) талабалари Келес яқинидаги «Суюк-Суюк» қудуғи ёнидан топилади. Ўрдакбурунли динозаврга тегишли ушбу топилма Тошкент динозаври дея номланади. Тошкент динозаври — Марказий Осиё давлатлари ичида Юкери бўр ўткичқилари орасида шу кунгача топилиган динозаврларнинг яхши сақланган, шикастланмаган ягона скелет намунаси. Ушбу скелет намунаси ҳозирда Россия пойтахтидаги Палеонтология музейи экспозициясига қўйилган. Шу ерда топилган бошқа суяк қолдиқлари ва суяқли суякларни етишмайдиган қисмлар билан бирлаштириб, тайёрланган скелет нусхаси Геология музейига топширилган, ҳозирда у музейимизнинг «Умуртқалилар» залида сақланмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон худудиди карнозавр, титоназавр, гадрозавр, птерозавр, плезиозавр ва шу сингари улкан калтакесаклар, ҳатто, бадий филлар орқали барчага дахлат солган тироназавр ҳам мамлакатимизда яшаган. Йирик ҳажмли тироназаврнинг узунлиги 13 метргача этган. Миясининг чаноқ қисми 1,5 метр ҳажмда бўлиб, чаноғининг баланд ён томонлари сиқик, тишлари бақувват бўлган. Олдинги оёқларида 2 дона бармоқлари борлиги уни бошқа динозаврлардан ажратиб олиш имконини беради. Энг узун ва улкан

калтакесаклардан бири бу — титоназаврдир. Бу турдаги динозавр калтакесак тосли динозавр турига кириб, ўсимликхўр ҳисобланган. Юртимизда Куйи бўр даврида (70 млн. йил олдин) яшаган. Ҳозирда Осиё, Африка, Европа ва Жанубий Америка худудларидан тош қотган қолдиқлари топилапти.

Музейимизнинг «Умуртқалилар» залида 2,5 мингдан ортқ экспонат бўлиб, барчаси мутахассислар томонидан илмий тасдиғини топган. Уларга қараб мамлакатимизда ақула, тимсох, скат ҳам яшаганини билиб олишимиз мумкин.

— Шу ўринда яна савол туғилади. Нега улкан махлуқларнинг замондоши бўлган жонзотлар яшаб қолгану, динозаврлар қирилиб кетган?

— Очиғи, бу борада кўплаб тахминлар илгари сурилган. Ҳозир ҳам баҳс-мунозаралар давом этаёттир. 3-4 йил олдин баъзи олимлар динозаврлар қирилиб кетмаган, ўз ўрнини бошқа жонзотларга бўшатиб берган, деган фаразларини ўртага ташлашди. Менимча, ҳам шундай. Табиатнинг олтин қойдаси борки, уни ҳалигача ҳеч ким инкор қила олмаган. Бордан йўқ бўлмади, йўқдан бор бўлмади. Динозаврлар, аслида, бирламчи ҳаёт-живорлар — рептилиялардан вужудга келган. Тахминим билан ўрдакбурунли динозаврлар пайдо бўлган. Улар шу даражада майда эдики, бир томчи сувда мингдан орткини ташкил этган. Улар кўзга кўринмас, сув ичида ривожланган. Маълум вақт ўтгандан сўнг, микроорганизмлар ривожланиб, икки кўтб: флора ва фауна оламига ажралди. Сув ичидаги фауна оламида туфилка, амёба, чувалчанг каби умуртқасиз жониворлар юзага келган. Сувдан биринчи қуруқликка флора (ўсимлик) олами чиққан бўлса, кейинчалик фауна ҳам ўз ўрнини қуруқликка топа бошлади. Динозаврлар ана шу бирламчи ҳаёт авлодлари ҳисобланади.

Динозаврлар ҳам, ўз навбатида, неча миллион йил вақт ўтгандан сўнг, ўрнини бошқа авлод вакилларига бўшатиб берган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Баъзи бир олимларнинг ўша даврга Ерга метеорит келиб урилиши, турли тектоник ҳаракатлар натижасида вулкон ва гейзерлар отилиши, Ер ўз ўқидан чиқиб кетиши натижасида улкан калтакесаклар қирилиб кетган, деган фаразлари ҳам бор.

— Демак, сизнингча, динозаврлар вақти етган ўз «мақом»ини бошқа жонзотларга бўшатиб берган экан-да?

— Ҳа, шундай. Уларнинг ворислари сифатида мамонтлар, қаркидон, бегемот, кит, фил, от ва шу каби ҳайвонот дунёси вакилларини кўриш мумкин. Аниқланишича, динозавр-

лар уч гуруҳга: ўтхўр, гўштхўр ҳамда аралашхўрларга бўлинади. Бу қонун ҳозирда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Масалан, Приматлар оиласига кирувчи горилла, орангутан маймунлари мева тановул қилиш баробарида, майда ҳайвонлар гўштини ҳам истеъмол қилишади. Ёки бўлмаса, айқини олайлик. У аралашхўр ҳайвон бўлиб, чулоқдан тортиб, балиқ, асал, маймунжон, ва ҳатто, гўштгача паққос туширади. Демак, динозаврлар қирилиб кетмаган. Улар ўз ўрнини издошларига бўшатиб беришган, деган ҳулоса ҳақиқатга яқин.

— Келинг, суҳбатимизга туртки бўлган, «Тайный узбек» мақолага қайтсак...

— Мақолани ўқиб чиқдим. Воқеа аслида қуйидагича бўлган эди. 2006 йил, яъни бундан ўн йил аввал Навоий вилояти Жарақудқ минтақасида юртимиз олимлари билан бир қаторда, хориқлик палеонтологлар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришди. Топилган динозавр суяқларини текшириш мақсадида олиб кетишди. Мана, орадан ўн йил ўтган, ваҳима қилиб бонг уришмоқда. Беш йил аввал музейимиз ходими А.Канашинов ушбу динозавр қолдиғига бағишланган илмий рисолини эълон қилинган. Демакчи-манки, мамлакатимизда ҳам палеонтология соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб борилаёттир.

— Ўтган йил матбуотда юртимизнинг баъзи худудлариди динозавр суяқлари топилгани тўғрисида ўқигандим. Жумладан, Сирдарё вилоятининг Ховос туманида жойлашган хонадондан динозавр суяқлари топилганини... Ушбу топилма хусусида нима дейсиз?

— Мен ҳам бу ҳақда дастлаб матбуот нашрларида ўқидим. Расмларини кўрдим. Шунинг таъкидлаш жоизки, ҳар қандай динозавр расмида таққослаш учун масштаб берилиши керак. Топилма суратида эса ҳеч қандай масштаб акс этмаганди. Суяк динозаврники дейишимиз учун у — триас, юра ва бўр даврларидан биронтасига тегишли бўлиши талаб этилади. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мутахассислари билан ҳамкорликда суяклар топилган уйга экспедиция уюштирдик. Суяқларни ўз кўзимиз билан кўриб, уни текширувдан ўтказдик. Натижада, суяклар динозаврнинг эмас, балки Сирдарё дарёси бўйларида яшайдиган тўқай мушугининг қолдиқлари экани аён бўлди. Шу ўринда юртошларимиздан қаерда суяклар топилишидан қатъи назар уни мутахассис кўригидан ўтказмасдан туриб, оммавий ахборот воситаларига тақдим қилиб юбормасликларини илтимос қилардим. Юртимизнинг қай худудиди топилма топилса, биринчилардан бўлиб ўрганишга, илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга доимо тайёримиз.

«Ishonch» мухбири Давронбек ОРИПОВ суҳбатлашди



Бугуннинг гапи

Соғлом оила — жамият таянчи

Оила юксак инсоний кадрларни, қариндош-уруғ, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар муносабатидаги энг яхши аънаналарни ўзида мужассам этган бўлиб, ўзбек оиласи айнан мана шундай маънавий кадрлар асосига қурилгани учун ҳам дунё аҳлида ҳавас уйғотаёттир.



Жорий йилнинг «Соғлом оила» дея номланган катта ҳикмат бор. Оналар ва болалар соғлиғига эътибор миллат, жамият келажига эътибор, ёш авлод қамолотига ғамхўрликдир. Зеро, оналар соғлиғига аҳамият қаратиш оилаларда бошланади. «Болам» деб яшашимиз, ҳаддан зиёд болалар эканлигимиз ҳам исбот талаб қилинмайдиган аксиомадир. Шу боис, худди шу болажонлигимиз баъзан ўзини қўриб қўйганини билмай ҳам қоламиз. Оддий мисол, баъзи оналар ёхуд оталар «ўғлимга фалончи муносиб деб» фарзанди тақдирини ўз қариндоши билан боғлайдилар. Қариндошлар никоҳдан туғилмак фарзанд саломатлигининг даражаси билан қизиқмайдилар ҳам.

Яна бир одатимиз борки, ўғил уйлантириб, қиз узатсак, дангиллама тўйлар қилсак деб орзуга бериламиз. Никоҳнинг расмийлаштириш тўйдан кейин бўлаверарди, деган фикрда тўхтайдиганлар ҳам топилади! Тўйдан сўнг никоҳдан ўтган ёшларнинг айримларида юқумли касалликлар аниқланиб, бошини чангаллаб қолганлар қанча ахир! Шунинг учун никоҳланувчи шахслар тиббий кўриқдан ўтши, никоҳни расмийлаштирмай оила қуриш мумкин эмаслиги

қонун ҳужжатлари орқали белгилаб қўйилган. Бироқ айрим ота-оналар бунга бепарво қараб, фарзандларини ҳам тўғри фикрдан қалғитадилар. Соғлом фарзанд соғлом оилада дунёга келади, оила соғлом бўлиши учун эса юқоридаги масалаларга эътибор қаратиш жуда муҳим. Бугун бизни қийнаётган муаммолардан яна бири, бу ёшлар ўртасида ажримларнинг кўп учраётганидир. Турли ёт иллатлар, «оммавий маданият» таъсирида айрим ёш оила соҳиблари никоҳга масъулиятсизлик билан ёндашадилар. Боз устига, баъзи ота-оналарнинг берадликлари оиланинг бузилишига олиб келаяпти. Оқибатда, болалар тирик етим бўлиб қоладилар.

Бу каби нохушликларнинг олдини олиш мақсадида ФХДБ бўлимига келган ҳар бир кишига оила муқаддаслигини, масъулиятини яна бир бор эслатиб қўйишни ўз бурчимиз деб биламиз. Зотан, оила билан боғлиқ аънаваларимиз бизнинг бебаҳо бойлигимиз ҳисобланади. Уларни асраш, келажак авлодларга етказиш ҳар бири-миз учун фарз ва қарзидир.

Салима ХОЛБЕКОВА, Амударё туман ФХДБ бўлими мудир

Тадбир

Авлодлар учрашуви

Булунгур миллий хунармандчилик касб-хунар коллежиди авлодлар учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирга тақлиф қилинган меҳнат фахрийси 82 ёшли Акмал ота Турсунов ўқувчи-ёшларга қарата шундай деди: — Азиз ўғил-қизларим, мен ҳам ушбу коллежнинг ўтмишдоши бўлган билим йўлида узоқ йиллар директор ўринбосари бўлиб ишлаб, нафақага чиқдим. Сизларнинг бугунги ўқш шариоитингизни кўриб, тўғриси ҳавас қиламан. Аввалги ҳолат билан ҳозиргиси ўртасида таърифлаб бўлмас тафовут бор. Шундай дорилмамон кунларнинг қадрига етиб, аъло баҳоларда ўқиб, Ватанга муносиб етуқ мутахассис бўлинглар. Тадбирда О.Хусанов, А.Бо-

боқулов каби фахрийлар ҳам ўз хотираларидан сўзлаб беришди.

Коллеж ўқувчилари томонидан тайёрланган театрлаштирилган саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди. Фахрийларга коллеж касба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари тақдим этилиб, бир пиёла чой устида маърифий суҳбат давом этди.

Мамашариф НЕЪМАТОВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси бўлунгур туман кенгаши раиси

Ҳамшираларга эҳтиром

Халқаро ҳамширалар кунини «Ботаника санаторийси» МЧЖда кўтаринки кайфиятда нишонланди.

Касб фидойилари Барно Орифжонова, Ирода Қосимова, Турсуноя Зухридино-ва, Элмира Дзуренова ҳамда Нигора Назарова

касба уюшма қўмитасининг эсдалик совғаси ва Фахрий ёрлик топширилди.

Севера ЭШОНҚУЛОВА

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'liq Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmonov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshvov

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftonang seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Mualliflari fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Qodirova
Navbatchi: N.Mahamov
Musohabchi: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etiladi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosiladi.

Hajmi 2 bosma taboq.

Buyurtma № — 515.

20734 nusxada bosiladi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga topshirish vaqi — 23:40

Topshirish — 00:10

1 2 3 4 6